

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

▼ Сарҳисоб

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЙИЛИ



Яқунланаётган 2025 йил Тошкент вилояти учун хорижий сармояларни жалб этиш ва экспорт салоҳиятини ошириш борасида сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиш даври бўлди. Инвестиция ҳажмларининг барқарор ўсиши, экспорт таркибининг мазмунан бойиб бориши, янги бозорларнинг ўзлаштирилиши вилоят иқтисодиётининг узоқ муддатли, рақобатбардор тараққиёт сари йўналганини намоён этмоқда.

2

▼ Халқаро ҳамкорлик



МАНФААТЛИ КЕЛИШУВЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР

Айни кунларда Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзаев бошчилигидаги делегация амалий ташриф билан Саудия Арабистонида бўлиб турибди.

Ташриф доирасида бир қатор муҳим учрашувлар, инвестицион лойиҳалар асосида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, саудиялик ишбилармонлар билан манфаатли келишувларга эришиш ва бошқа муҳим масалаларда мулоқотлар ташкил этилмоқда.

Дастлабки учрашув Саудия Ривожлантириш Фонди ижрочи директори Султон Абдурахмон Ал-Маршад билан бўлди. Сўхбат чоғида икки томонлама ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида томонлар қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш, техник маслаҳатлашувларни давом эттириш ҳамда кел-

гусида аниқ йўналишлар бўйича ҳамкорлик механизмларини белгилаш юзасидан келишиб олдилар.

Делегациямизга Саудиянинг дунёга машҳур "ACWA Power" компанияси асосчиси Муҳаммад Абунайян шахсан ҳамроҳлик қилмоқда.

Ташриф доирасидаги навбатдаги учрашув Кўнгилоҳар тadbирлар бош бoshқармаси Инвестициялар ва бизнесни ривожлантириш бўйича директори Муҳаннад Халид Ал-Аббад билан бўлди.

Мулоқотда икки томонлама маданий ҳамкорлик ҳамда халқларимиз ўртасидаги ўзаро яқинлиқни мустаҳкамлашга қаратилган қўшма ташаббусларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

(Давоми 2-саҳифада) ►

Viloyat bo'ylab

"Obod xonadon", "Obod ko'cha" va "Obod mahalla" ko'rik-tanlovi Respublika bosqichining "Eng namunali xotin-qizlar faoli" nominatsiyasida TOSHKENT tumanining "Qorabo'rik" mahallasi xotin-qizlar faoli Jumagul Risbayeva g'olib deb topildi. Tantanali taqdirlash marosimida g'olibga mukofotni Oila va xotin-qizlar qo'mitasi raisining birinchi o'rinbosari Umida Abullayeva topshirdi.

TOSHKENT viloyati hamda Oqqo'rg'on tumani hokimliklari vakillaridan iborat delegatsiya Xitoy Xalq Respublikasida bo'ldi. Tashrif doirasida sanoat, investitsiya va ishlab chiqarish sohalarida hamkorlikni kengaytirish masalalari muhokama qilinib, qurilish materiallari, elektrotexnika va kimyo sanoati yo'nalishlarida xitoylik investorlar bilan uchrashuvlar tashkil etildi. Yakunda umumiy qiymati 78 million AQSH dollariga teng kelishuvlarga erishildi.

QUYI CHIRCHIQ tumanining "Beshkent", "Xo'japiskon", "Chinobod" hamda Beruniy nomli mahallalari aholisi uchun tuman Madaniyat bo'limi xodimlari tomonidan Yangi yil bayramiga bag'ishlangan konsert dasturlari tashkil etildi. Tadbirlarda san'atkorlar tomonidan kuy-qo'shiqlar, sahna ko'rinishlari namoyish etilib, aholi, ayniqsa, bolajonlarga ko'tarinki kayfiyat ulashildi.

BO'STONLIQ tumanidagi ijtimoiy soha ob'ektlari, tadbirkorlik sub'ektlari hamda bayram tadbirlari o'tkaziladigan maskanlarda Ixtisoslashtirilgan favqulodda vaziyatlar boshqarmasi xodimlari tomonidan "Yong'in xavfsizligi oyiligi" doirasida profilaktik tadbirlar olib borilmoqda. Jarayonda favqulodda vaziyatlar, xususan, is gazidan zaharlanish va havvo-gaz aralashmasi chaqnashi holatlarining oldini olish, yong'in xavfsizligi qoidalariga to'liq rioya etish hamda elektr jihozlaridan to'g'ri foydalanish bo'yicha tushuntirishlar berildi.

BEKOBOD tumanida kurash bo'yicha Toshkent viloyati hokimi kubogi musobaqasi bo'lib o'tdi. Unda viloyatimizning tuman va shaharlaridan kelgan 120 nafardan ortiq polvonlar o'zaro bahs olib borishdi. Musobaqa yakunida g'olib va sovrindorlar viloyat hokimligi hamda viloyat sport boshqarmasi tomonidan diplom va esdalik sovg'alar bilan taqdirlandilar.

Munosiblar e'tirof etildi

An'anaviy tarzda o'tkazib kelina-yotgan "Yil ayoli" respublika tanlovi doirasida faol va namunali xotin-qizlarni taqdirlash marosimi bo'lib o'tdi.



Mazkur nufuzli tanlovda jamiyat hayotida faol ishtirok etib, tashabbuskorligi va innovatsion yondashuvlari bilan alohida ajralib turgan xotin-qizlar munosib e'tirof etildi. Xususan, "Innovatsion yondashuvlarni joriy etgan faol" nominatsiyasida Toshkent viloyati Piskent tumanidan Nodira Begmatova taqdirlandi.

Shuningdek, "Yilning eng yaxshi uy bekasi" nominatsiyasida Yangiyo'l tumani "Guliston" mahallasida istiqomat qiluvchi Bo'ston Alimova g'olib deb topildi.

▼ "Yil ayoli"

Faroyib asarining



СИРЛИ
МУАЛЛИФИ
МАЪЛУМ!

4

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталарига

2026 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИНГ!

Йиллик обуна баҳоси (тўғридан-тўғри таҳририят билан шартнома қилинганда):

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – 896 300 СЎМ;
Нашр кўрсаткичи – 205

«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» – 586 200 СЎМ;
Нашр кўрсаткичи – 207

Етказиб бериш хизмати учиди.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси ҳафтада икки мартаба – chorshanba ва shanba кунлари, «Ташкентская правда» газетаси эса жума кuni чоп этилади.

Обуна таҳририятда, почта филиаллари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларда расмийлаштирилади.

Мурожаат учун телефон: +998 97 432-00-35





ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР ЙИЛИ

Яқунига етаётган 2025 йил Тошкент вилояти ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим ва мазмунли босқич сифатида тарихга кирмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, инвестициялар учун яратилган очиқ ва шаффоф муҳит ҳамда экспортни қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар вилоят иқтисодиётида аниқ натижаларни намоён этмоқда. Энг муҳими, бу жараёнлар рақамларда эмас, балки янги иш ўринлари, кенгайиб бораётган ишлаб чиқариш қувватлари ва ташқи бозорларда мустақамланаётган мавқеда ўз ифодасини топмоқда.

Тошкент вилояти қулай географик жойлашув, етарли меҳнат ресурслари ҳамда кенг истеъмол бозори билан хорижий сармоядорлар учун энг жозибадор ҳудудлардан бири ҳисобланади. Шу боис сўнгги йилларда вилоятга чет эллик инвесторлар қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Йил давомида хорижий давлатлар ишбилармон доира вакиллари иштирокида қатор халқаро бизнес-форумлар, инвестицион тақдиротлар, учрашув ва музокаралар ташкил этилиб, ўзаро манфаатли инвестиция лойиҳалари бўйича келишувларга эришилди. Бу ҳолат вилоят иқтисодиётига бўлган халқаро ишонч янада мустақамланаётганини кўрсатмоқда.






Вилоят Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси маълумотларига кўра, жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида вилоятга жами 2 млрд. 130 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди. Ушбу кўрсаткич инвестициявий муҳитнинг барқарорлиги, сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳамда ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги изчил ошиб бораётганидан далолат беради.

Мамлакатлар кесимида таҳлил қилинганда, инвестицияларнинг салмоқли қисми Хитой Халқ Республикаси ҳиссасига тўғри келиб, ушбу давлатдан 1 млрд. 300,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги сармоя 181 та лойиҳа доирасида ўзлаштирилди. Бундан ташқари, Туркиядан 230,7 млн. АҚШ доллари (36 та лойиҳа), Россиядан эса 116,1 млн. АҚШ доллари (33 та лойиҳа) ҳажмида инвестициялар жалб қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Чирчиқ, Олмалик, Нурафшон ва Ангрен шаҳарлари, шунингдек, Охангарон, Зангиота, Янгийул, Бўстонлик, Қи-брай, Тошкент, Юқори Чирчиқ, Куйи Чирчиқ ҳамда Ўрта Чирчиқ туманларида 100 млн. АҚШ доллари-дан ортиқ хорижий инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу инвестиция фалоллиги бутун вилоят бўйлаб кенгайиб бораётганини аниқлади.

2025 йил вилоят учун Экспорт йўналишида ҳам муваффақият-ли бўлди. Хусусан, экспорт ҳажми сезиларли даражада ўсди ва янги ташқи бозорлар забт этилди. Жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида вилоят корхоналари томонидан умумий қиймати 1 млрд. 857,8 млн. АҚШ доллари тенг маҳсулотлар экспорт қилинди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 111 фоизлик ўсишни ташкил этди.

Экспорт таркибида асосий улушни тўқимачилик ва текстиль маҳсулотлари эгаллаб, айни пайтда мева-сабзавотлар, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати, транспорт воситалари ва экспорт қисмлар ҳамда металл маҳсулотлари экспортида ҳам барқарор ўсиш кузатилмоқда. Бу вилоят иқтисодиётининг турли соҳаларда рақобатбардош эканини тасдиқлайди.



Жумладан, Охангарон туманида фаолият юритаётган "Angren Pipe Plant" МЧЖ томонидан Туркия, Озарбайжон, Россия, Беларусь, Қозғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Хитой, Болгария ва Бельгия давлатларига жами 62,5 млн. АҚШ доллари қийматида электротехника маҳсулотлари экспорт қилинди. Юқори Чирчиқ туманида жойлашган "Asians Frozen Foods" МЧЖ эса Италия, Франция, Россия, Қозғистон ва Қирғизистон бозорларига 15,3 млн. АҚШ доллари қийматида мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб берди. Корхонанинг Global GAP халқаро сертификатига эга бўлиши Европа бозорларига чиқиш учун кенг имконият яратди.

Давлатлар кесимида экс-

порт ҳажми бўйича Россия Федерацияси (587,6 млн. АҚШ доллари), Хитой Халқ Республикаси (470,7 млн. АҚШ доллари) ва Туркия (163,1 млн. АҚШ доллари) етакчи ҳамкорлар сифатида қайд этилди.

Йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида 129 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилиб, 162,1 млн. долларлик қўшимча экспорт таъминланди.

Айни пайтда вилоятдаги 827 та корхона томонидан 581 турдаги маҳсулотлар экспорти амалга оширилиб, 16 турдаги янги маҳсулотлар ташқи бозорга чиқарилди. Бу ишлаб чиқариш таркибининг диверсификация қилинаётгани ҳамда маҳаллий маҳсулотларнинг халқаро бозор талабларига мослашаётганини кўрсатади.

Бундан ташқари, Швеция, Иордания, Ангола, Замбия ва Филиппин давлатлари билан савдо-иқтисодий алоқалар йўлга қўйилиб, экспорт географияси 71 та мамлакатни қамраб олди. Янги бозорларга чиқиш экспорт йўналишларини кенгайтириш билан бирга ташқи иқтисодий таваккалчиликларни камайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мухтасар айтганда, яқунланаётган 2025 йил Тошкент вилояти учун хорижий сармояларни жалб этиш ва экспорт салоҳиятини ошириш борасида сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиш даври бўлди. Инвестиция ҳажмларининг барқарор ўсиши, экспорт таркибининг мазмунан бойиб бориши, янги бозорларнинг ўзлаштирилиши ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улушининг ортиши вилоят иқтисодиётининг узоқ муддатли, барқарор ва рақобатбардош тараққиёт сари қатъий йўналганини яққол намоён этмоқда.

ЗУХРИДДИН РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

МАНФААТЛИ КЕЛИШУВЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

(Давоми. Бошланғич 1-саноат)

Хусусан, Саудия Арабистонининг "Riyod Bulvar" майдонида Ўзбекистон маданиятини тарғиб этувчи лойиҳаларни йўлга қўйиш, ўзбек миллий таомлари ресторани ҳамда хунармандлар маҳсулотлари учун савдо нукталарини ташкил этиш имкониятлари юзасидан таклифлар билдирилди.

Вилоят ҳокими Зойир Мирзаев мазкур ташаббуслар Ўзбекистоннинг бой маданий мероси, миллий анъаналари ва гастрономик салоҳиятини кенг жамоатчиликка намоён этишга, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни янада бойитишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Зойир Мирзаевнинг Саудиянинг инвестициялар вазири Ердамчиси Имрахим ал Мубарак билан учрашувидан

Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик йил сайини ривожланиб бораётгани таъкидланиб, мазкур ижобий жараён ҳар икки давлат раҳбарлари ўртасида шаклланиб келган, самимий ва ўзаро ишончга асосланган муносабатлар самараси экани алоҳида эътироф этилди.

Ташриф давомида вилоят ҳокими Ар-Риёд шаҳри бўйича Қироллик комиссияси хузуридаги Транспорт бошқармаси директори Тарик Ал Фарис ҳамда Ар-Риёд Савдо-саноат палатаси директори раисини раиси Абдуллоҳ Абдурахмон Ал-Обайкан билан мулоқот қилди.

Унда Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шаҳрини жаҳон даражасидаги замонавий мегаполисга айлантиришга қаратилган стратегия, давлат органлари, хусусий сектор ва халқаро ҳамкорлар ўртасидаги самарали ҳамкорлик механизми ҳамда Висон 2030 доирасидаги устувор йўналишлари ҳақида атроф-лича маълумот берилди.

Ўз навбатида, Зойир Мирзаев Тошкент вилояти Ўзбекистон пойтахтига яқин жойлашган, аҳоли зичлиги юқори ва иқтисодий фаол ҳудуд сифатида мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Шу муносабат билан йўл-транспорт инфраструктурасини ривожлантириш, жамоат транспорти сифатини ошириш, логистика

тизимини такомиллаштириш ҳамда шаҳар муҳитини яхшилаш масалалари ҳудуд учун устувор вазифалардан экани қайд этилди.

Учрашув якунида томонлар ўзаро тажриба алмашиш, мутахассислар даражасида ҳамкорлигини йўлга қўйиш, шаҳар ва ҳудудларни барқарор ривожлантириш йўлида келгусида қўшма ташаббусларни рўёбга чиқариш бўйича келишиб олдилар.

Саудия Савдо-саноат палаталари федерацияси раиси Ҳасан бин Мужиб Ал-Хувайзий билан учрашувда Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш, хусусий секторлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни кучайтириш, инвестиция ва бизнес ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқотда Зойир Мирзаев тадбиркорлик ва хусусий сектор фаоллиги давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг барқарор ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Шунингдек, учрашувда тадбиркорлар ўртасида доимий мулоқотни йўлга қўйиш, бизнес делегациялар алмашинувини ташкил этиш, кўргазмалар, форумлар ва тақдиротлар ўтказиш орқали амалий ҳамкорлигини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Тошкент вилояти ҳокими вилоятнинг саноат, агросаноат, фармацевтика, қурилиш материаллари, логистика, тўқимачилик, хизматлар ва туризм соҳаларидаги инвестициявий салоҳияти ҳақида маълумот бериб, Саудия Арабистони ишбилармон доиралари билан ҳудудлараро ҳамкорлигини фаол ривожлантиришга тайёр эканини билдирди.

Зойир Мирзаев Саудия Савдо-саноат палаталари федерацияси раҳбарияти ва саудиялик тадбиркорлар делегациясини Тошкент вилоятига тақлиф қилди.

Учрашув иштирокчилари мазкур мулоқотни икки томонлама иқтисодий ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳолаб, келгусида аниқ натижаларга йўналтирилган қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор эканлигини билдирдилар.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

ТАРМОҚЛИ ХЎЖАЛИК – САЛМОҚЛИ ХЎЖАЛИК

Ҳозирги замонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фақат бир йўналиш билан чекланиб қолмасдан, бир неча тармоқни уйғун ҳолда олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода кўп тармоқли фермер хўжаликлари иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва қишлоқ аҳолиси бандлигини оширишда самарали тизим сифатида намоён бўлмоқда. Бундай фермер хўжаликлари ер ва ресурслардан унумли фойдаланиб, бозор талабига мос равишда турли йўналишларда фаолият юритиш имкониятини яратади. Кўп тармоқли фермерлар фаолиятини ёритиш эса қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда муҳим аҳамиятга эга.

▼ Фермерчилик

Асқархўжа Жамолов Янгийул туманида қишлоқ хўжалигини замонавий ёндашувлар асосида ривожлантираётган илғор фермерлардан. У раҳбарлик қилаётган "Мухторхўжа набиралари" фермер хўжалиги бугунги кунда кўп тармоқли фаолияти, самарали меҳнати ва барқарор натижалари билан эътибор қозонмоқда.

А.Жамолов мустақил фермер сифатида 2017 йилдан фаолият юрита бошлади. Унгача у отаси – тажрибали деҳқон Ағзамхўжа Жамоловга қарашли фермер хўжалигида меҳнат қилиб, деҳқончиликнинг сир-асорларини амалий жиҳатдан пухта ўзлаштирди. Ана шу тажриба кейинчалик унинг мустақил фаолияти учун мустақам замин бўлди.

Бугунги кунда фермер хўжалиги ихтиёрида 75 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, унда ғалла ва турли сабзавот экинлари: рангли салат барги, айбери ва пекин қарамиди етишти-

рилади. Ҳосилнинг 20 фоизи Россия давлатига жўнатилмоқда. Бу йилдан "черри" помидори ҳам тажриба сифатида дала шароитида етиштирилди.

Экинчилик билан бир қаторда,

лиги ташкил этилди. Эндиликда бу сигирлардан кунига 600-700 литр сифатли сут соғиб олиниб, қайта ишлаш корхоналарига топширилмоқда. Бу эса фермер хўжалигининг даромади-



фермер хўжалиги фаолиятини диверсификация қилиш мақсадида 2019 йилда чорвачилик йўналиши ҳам йўлга қўйилди. Шу йилда хориждан 132 бош голштейн зотли қорамол олиб келиниб, замонавий сутчилик хўжа-

ни ошириш билан бирга аҳолини сифатли сут маҳсулоти билан таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Шунингдек, фермер хўжалигининг 1 гектар майдонида иссиқхона ҳам фаолият юритилмоқда. У термос усули-

да қурилган бўлиб, қўшимча иситиш талаб этмайди. Иссиқхонада йил давомида турли кўкатлар етиштирилиб, бозорларга чиқарилимоқда.

Турли йўналишлардаги самарали фаолияти эътироф этилиб, 2022 йилда "Мухторхўжа набиралари" фермер хўжалигига кўп тармоқли фермер хўжалиги мақоми берилди. Бу ютуқ Асқархўжа Жамоловнинг тўғри танланган ривожланиш стратегияси ва янгиликка интилиши натижасидир.

Ўтган йили Қишлоқ хўжалиги ҳодимлари кун муносабати билан вилоятда ўтказилган байрам тадбирида қишлоқ жойларда тадбиркорлигини

— Фермерликка илк қадамлар қўйилган даврлар хануз ёдимда, — дейди А.Жамолов. — Ўша пайтларда иш бошлаш учун хоҳиш билан бирга қўрқув ҳам бор эди. Ердан самарали фойдаланиш, техника топиш, маблағни тўғри тақсимлаш, бозорга чиқиш — буларнинг ҳар бири алоҳида синов. Айниқса, чорвачиликни йўлга қўйишда озуқа захираси, яхши зот танлаш ва парвариш масалалари кўп меҳнат ва сабр талаб қилган. Лекин, йил сайин давлатимиз томонидан фермерларга қаратилаётган эътибор, имтиёзли кредитлар, субсидиялар, солиқ енгилликлари, техника ва зотли қора-

лик, чорвачилик, сутчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш имкони пайдо бўлди. Бу нафақат даромадни барқарор қилади, балки эртанги кунга ишонччи ҳам мустақамлайди. Илгари қийинчилик билан ҳал қилинган масалалар бугун тажриба ва имкониятлар туфайли осон ечим топмоқда. Фермер учун энг катта рағбат — ўз меҳнатининг самарасини кўриш. Бугун яратилаётган шарт-шароитлар қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш ва сифатли маҳсулот етиштириш учун мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилляпти. Энди асосий вазифа — берилган имкониятлардан оқилона

фойдаланиб, халқимиз дастурхонини янада тўқин қилишдир.

НОЗИМА РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Меҳридин ИБРАГИМОВ
олган суратлар



▼ “Тошкент ҳақиқати” ёдномаси

Инсон умри фаслларга ўхшайди, дейишади. Баҳори умидга, ёзи меҳнатга, кузи ҳикматга, киши эса ибратга тўла бўлади. Аммо айрим инсонлар борки, уларнинг ҳаёт йўли фасллар алмашинувида ҳам бир хил – одамларга яхшилик қилиш, дардига малҳам бўлиш, умид улашиш билан ўтади. Ана шундай инсонлардан бири – Бекободнинг олис Қушчи қишлоғида туғилиб, бутун умрини тиббиётга бағишлаган профессор Мирзабек Дўстмуродов эди.

Умид гуллари билан безалган умр

У болалигидан ўқиб-ўрганишга чанқоқ, илмга иштиёқи баланд, зеҳнли бўлиб камол топди. 1955 йилда Душанбе шаҳридаги тиббиёт институтини муваффақиятли тамомлаган Мирзабек Дўстмуродов учун ҳаёт йўли аниқ эди – шифокорлик. Ёш мутахассис ўша йилнинг ўзида Москва шаҳридаги академик Н.Н.Бурденко номидаги нейрохирургия институтини аспирантурасига қабул қилинди. У ерда Борис Егоров, Андрей Арэнд, Григорий Корнянский каби академик ва профессорлардан жароҳлик сирларини пухта ўрганди.

1959 йилда нейрохирургия соҳасида тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини олгач, ўзи ўқиган институтда меҳнат фаолиятини бошлади. 1960-1969 йилларда Андижон давлат тиббиёт институтида ўқитувчи, кейинчалик кафедра мудири бўлди. Унинг ташаббуси билан нейрохирургия, травматология ва ортопедия бўлимларини ўз ичига олган шифохона ташкил этилди. Профессор кафедра мудири сифатида олийгоҳда травматология ва ортопедия соҳасининг илмий ва амалий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. Шу йиллар давомида 60 дан ортиқ илмий иш, шу жумладан “Мия эхинококкози” номли монографияси нашр этилди.

М.Дўстмуродов 1972 йилда Москва шаҳрида академик Юмашев раҳбарлигида “Қўкрак умуртқасининг остеохондрози” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу иш травматология ва ортопедия соҳасида янги илмий қарашлар учун мустаҳкам пойдевор бўлди.

1980-йилнинг ноябрь ойида М.Дўстмуродов Ўзбекистоннинг ўша даврдаги раҳбари Шароф Рашидов билан учрашиш шарафига муяссар бўлди. Бу ҳаяжонли учрашув ҳақида у кейинчалик “Юракдаги умид гуллари” номли китобида самимият билан ёзган. Ушбу учрашувдан сўнг Марказқўм котибияти мажлисида уни трав-

матология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтига раҳбар этиб тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1980 йил 25 ноябрь куни у институт жамоаси билан танишиб, директорлик вазифасини бажаришга киришди.

Профессорнинг кейинги фаолияти травматология ва ортопедия соҳасини тубдан ривожлантиришга қаратилди. 1982 йилда Ўзбекистонда илк бор, бутун Ўрта Осиё минтақасида травматология ва ортопедия йўналиши бўйича фан номзодлиги диссертациясини ҳимоя қилиш учун ихтисослашган илмий кенгаш ташкил этилди. Унинг раҳбарлигида 12 нафар ёш олим фан номзоди илмий даражасига эришди. Бевосита М.Дўстмуродовнинг ташаббуси билан Ўрта Осиё ва Қозоғистон травматологлари ва ортопедлари курултойи ўтказилди.

Тажрибали шифокор ва меҳрибон устоз сифатида у кўплаб ёш мутахассисларга йўл-йўриқ кўрсатди, илмий изланишларида доимо кўмак берди. 1986 йилда Республика ногиронларнинг меҳнат қobiliятини аниқлаш ва тиклаш институтини директори лавозимига тайинланди.

1989 йилда Мирзабек Дўстмуродовнинг давлат ва халқ олдидаги хизматлари муносиб эътироф этилиб, унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвони берилди.

Профессор фаолияти давомида шикастланган ва касалланган бош ҳамда орқа миёда энг мураккаб жароҳлик амалиётларини бажариб, минглаб беморларни ҳаётга қайтарди. Узилган нерв толаларини микрохирургия усули билан тиклаш, мия эхинококкозини жароҳлик йўли билан даволаш, қўкрак умуртқаси остеохондрозини аниқлаш ва даволашнинг янги усулларини жорий этиш каби илмий ишлари тиббиёт амалиётида кенг қўлланилди. Кейинги йилларда оёқ протезла-

рини бемор танасига мослаштиришда қўллаган янги жарроҳлик усуллари ҳам ижобий натижалар берди.

Кўп йиллик изланишлари натижасида М.Дўстмуродовнинг Ўзбекистон, Россия ва Тожикистон даврий нашрларида 200 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган. У яратган монография ва илмий китоблар тиббиёт соҳасида муҳим дастуриламал сифатида қадрланади.

Профессор М. Дўстмуродов маҳоратли шифокор, бағрикенг инсон, камтарин дўст сифатида эл-юрт орасида ҳурмат-эътибор қозонди. Турмуш ўртоғи Инобат ая билан фарзандларини эл-юртга манфаатли, етук инсонлар қилиб тарбияладилар. Улар ҳам оталари изидан бориб, муносиб ворис бўлишга интилоқдалар.

Мирзабек ака ҳаёти давомида ҳалол яшаши, одамларнинг оғирини енгил қилишни ўз бурчи деб билди. Ногиронлиқни камайитириш, инсон саломатлигини асраш йўлида бор куч-ғайратини аямади. Тажрибали олим 2010 йилда, 85 ёшида Тошкент шаҳрида вафот этди. Агар ҳаёт бўлганида шу кунларда 100 ёшни қаршилаган бўлар эди.

Халқимиз “яхшидан боғ қолади”, дея бежиз айтмаган. Шубҳасиз, Мирзабек Дўстмуродов яратган тиббиёт гулшани ҳали узоқ йиллар инсонлар саломатлиги йўлида хизмат қилади.

*Йўллар ҳар хил, фасллар турфа,
Ойни узар инсон қўллари.*

*Сенга бўлсин энг гўзал туҳфа —
Юракдаги умид гуллари.*

*Тўғилди янги фикр, ўй,
Бир текисмас ҳаёт йўллари.*

*Ҳеч сўнмагай, дўстим, билиб қўй —
Юракдаги умид гуллари.*

Ашурали БОЙМУРОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Toshkent davlat agrar universiteti rektori N. Oblomuradovning Korruptsiyaga qarshi kurash, jinoyatchilikning oldini olish va adolatli ta'lim muhitini shakllantirish bo'yicha

MUROJAATI

Hurmatli ustozlar, professor-o'qituvchilar, xodimlar va aziz talabalar!

Yurtimizda amalga oshirilayotgan keng ko'lamli islohotlar davrida oliy ta'lim muassasalari oldiga katta vazifalar qo'yilmoqda. Ilm-fan, ta'lim sifati, tarbiya va ma'naviy-ma'rifiy muhitni tubdan yangilash bugungi kunning dolzarb masalasi-ga aylandi.



Joriy yil 5-martda o'tkazilgan Korruptsiyaga qarshi kurashish bo'yicha Milliy Kengashning navbatdagi yig'ilishida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev: “Korruptsiya shunday yovuz illatki, u xalqning davlatga, Konstitutsiya va qonunlarga ishonchiga putur yetkazadi, barqaror rivojlanish va xavfsizlik uchun jiddiy tahdidga aylanadi”, deb ta'kidladilar.

Bugungi kunda, ta'lim tizimida, afsuski, hali o'z yechimini kutayotgan jiddiy muammolar mavjud bo'lib, ularning eng kattasi, bu shubhasiz — **korruptsiyadir**. Korruptsiya jamiyatdagi barcha tizimlar qatori, ta'lim tizimini ham zaiflashtiradi. Ushbu illat insonlarni davlat xizmatchilari, xususan, oliy dargohda faoliyat yuritib kelayotgan o'qituvchi, pedagog va murabbiylarga bo'lgan ishonchini susaytiradi. Bu esa, o'z navbatida, ilm-fan, ma'naviyat va ma'rifatning zimdan yemirilishiga zamin yaratadi.

Davlatimiz rahbari yaqinda ta'lim tizimiga bag'ishlangan yig'ilishda, bundan 7-8 yil oldin oliygohlarga o'qishga kirishda “tanish-bilish-chilik” va korruptsiya avj olgani, hozirda soha raqamlashtirilishi, barcha imtihonlar onlayn translyatsiya bo'layotgani, o'quvchi avval test topshirib, to'plagan baliga qarab, oliygohni tanlash tizimi joriy qilingani, oliy ta'limda 35 turdagi hujjatlarni inson omilisiz olish imkoniyati yaratilgani bois, sohada murojaatlar soni 2,2 baravarga kamayganligini ta'kidlab o'tdilar.

Shuni alohida ta'kidlamochiman, agar hammamiz yagona kuch bo'lib harakat qilsak, universitet jamoatchiligi birlashib, korruptsiyaga “jamiyat tanasidagi saraton” sifatida qarasa, albatta uning oldini olishga erishamiz.

Korruptsiyaga — “yo'q!” deylik! Biz oliy ta'lim muassasasi sifatida, korruptsiyaning har qanday ko'rinishiga qarshi murosasiz kurash olib boramiz. Bu faqat universitet rahbariyatining emas, balki har bir ustoz, xodim va barcha talabalarining burchi hisoblanadi.

Bu borada, **ustozlar** — shaxsiy namuna, shaffof va adolatli bo'lishi, **xodimlar** — o'z xiz-

mat burchiga mas'uliyat bilan yondashishi, **talabalar** esa universitetda yaxshi ta'lim olib, har qanday qonunbuzarliklarga murosasiz turishlari lozim.

Bugungi kunda universitetimizda barcha ta'lim jarayonlari (imtihon, baholash, ko'chirish, stipendiya, kontrakt) ochiqlik va shaffoflik asosida tashkil etilmoqda. Elektron das-

turlar orqali baholash va reyting tizimlari joriy qilingan.

Shuningdek, universitetda ishonch telefoni, maxsus kanallar, anonim platforma va murojaatlar qutisi faoliyat ko'rsatmoqda.

Eng asosiysi, bugun oliygohda halol va vijdonan ishlovchi, vatanparvar insonlar jamoasi shakllanmoqda, **universitetning yangi qiyofasi qad rostlamogda**.

Universitetdagi har bir shaxs shuni bilsinki, ushbu oliygohda faqat bilim, intensiv ilg'or innovatsiyalar, samarali mehnat va vatanparvarlik orqali eng yuqori maralarga erishish mumkin.

Korruptsiyaga qarshi kurash — bu faqat kimnidir jazolash emas, avvalo, **ta'lim-tarbiya, mas'uliyat va ma'naviy ongini** oshirishdir. Sizlarni korruptsiyaning oldini olishda faol, tashabbuskor va ogoh bo'lishga chaqirib qolaman.

Hamkorlik — bu borada **asosiy mezon hisoblanadi!**

Men, universitetda mehnat faoliyatini olib borayotgan professor-o'qituvchilar, xodimlar va talabalarni korruptsiyaga qarshi murosasiz munosabatda bo'lishga, har qanday korruptsiya va manfaatlar to'qnashuvi holatlariga jiddiy to'sqinlik qilishga, o'z hamkasblari va jamoadoshlarini bunday nopoklikdan qaytarishga, agar korruptsiya holatlarga guvoh bo'lsa, zudlik bilan menga, universitetning komplayens nazorat guruhi vakillari hamda huquqni muhofaza qiluvchi organlarga xabar berishga chaqiram. Bunday Sizning xavfsizligingiz va maxfiyligingiz sir saqlanishi kafolatlanadi.

Universitetimizda doimo yuksak bilim, adolat va halollik mezonlari asosida ish olib boriladi. Bu borada Sizning faol ishtirokingiz, mavjud muammolarni bartaraf etish bo'yicha bergan har bir taklif va mulohazalaringiz, bilim maskanidagi yuksak o'zgarishlarning asosi bo'ladi.

Sizlar bilan birga, kelajakni halol va pok g'oyalari bilan qurishimizga ishonaman.

Ezgu niyatlarda hamjihat bo'laylik!

▼ Митти ҳикоя

Қор босган йўлда

— Дадажон, майли, гапирманг. Йўлга қаранг. Яхмалак.
— Хўп.
— Дадажон, секинроқ ҳайдайверинг. Мен ҳеч қаерга шошаётганим йўқ. Машина кўп. Ишқилиб, анави ердан бурила опасизми? Хўшёр юринг.
— Хўп.
— Ҳозир қизил чироқ ёнади, шошманг.
— Хўп.

...Неварамни боғчада қолдирдик.
Қизим яна орқа ўриндикқа чўкди.

Машинани юргиздим.
— Дадажон, энди тезроқ ҳайдайверинг, ишга шошяман...
У бошқа гапирмади, жимгина, беҳадик ва беҳавотир ўтирарди. Машина эса қор босган йўлда гизиллаб борарди.

Қўқор НОРҚОБИЛ



▼ Қиш табассуми

Ижодкор халқ...

БАЙРАМ ҚУВОНЧИ ТАШВИШИГА АЙЛАНМАСИН!

Янги йил арафаси. Қишлоқ кўчаларида болаларнинг қувноқ овозлари, ранг-баранг мушакларнинг ёрқини барчага байрамона кайфият улашди. 15 ёшли Жасур ҳам ўртоқларидан ортда қолмаслик учун пиротехника сотиб олган эди. Кечкурун ўртоқлари билан мушакбозлик қилишди. Аввалига ҳаммаси яхши кетди. Аммо навбатдаги пиротехникани ёқиш чоғида Жасур шошилиб, уни ерга қўймасдан, қўлида ушлаб турган ҳолда ёқиб юборди. Бир лаҳзада кучли портлаш овози янгради. Болалар бир зум жим бўлиб қолишди. Жасур эса ерга ўтириб қолган, қўлидан қон оқарди. Кўрқиб кетган ўртоқлари катталарни чақирди. Жасурни тезда шифохонага олиб боришди. Шифокорлар унинг қўли оғир жароҳат олганини айтишди. Байрам қувончи ўрнини ташвиш ва пушаймонлик эгаллади...

▼ Назорат

Афсуски, бу каби воқеалар Янги йил байрами арафасида тез-тез учраб туради. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳар бир фуқаро, хусусан, ота-оналар ва устозлар болалар билан жиддий шўғулланишлари, уларга пиротехника воситаларининг хавфли эканини тушунтиришлари зарур.

Шифокорларнинг таъкидлашича, пиротехника воситаларининг портлаши ёки чақнаши билан боғлиқ жароҳатлар оғир кечади ва турли асоратлар қолдиради.

— Портлаш натижасида қўл ва бармоқлар жароҳатланиши, чуқур термик куйишлар, юз ва кўз соҳасининг шикастланиши энг кўп учрайдиган ҳолатлар, — дейди Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиали Фавқуллода вазиятларда тиббий ёрдамни ташкиллаштириш бўйича директор муовини Тимурли Ниёзалиев. — Бундай жароҳатлар нафақат тери ва юмшоқ тўқималарни, балки суяк, пай ва асаб тизимини ҳам зарарлаши мумкин. Оқибатда беморларда бармоқларнинг ҳаракатланиш қobiliятини пасайиши, қўл фаолиятининг чекланиши ёки умуман йўқолиши кузатилади. Кўзга етган шикаст эса кўришнинг қисман ёки тўлиқ йўқолишига олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Айрим ҳолатларда портлаш

натижасида юзага келган жароҳатларга инфекция тушиб, узоқ муддатли давола-нишни, жароҳлик амалиёти ёки қайта тиклаш муолажаларини талаб қилади.

Юртимизда пиротехника воситаларининг сотуви расман тақиқланган. Аммо уни ноқонуний равишдаюғлиб кириш, сотиш ва тарқатиш ана шундай жиддий муаммоларга сабаб бўлмоқда. Байрам яқинлашиши билан бозорларда ва интернет орқали айрим шахслар томонидан пиротехника воситаларини ноқонуний тарқатиш ҳолатлари кўпаяди. Бундай воситалар одатда стандартларга жавоб бермайди, сифат ва хавфсизлик текширувларидан ўтмаган бўлади. Шу сабабли инсон саломатлиги учун катта хавф туғдиради.

— Тошкент вилояти ҳудудида пиротехника махсулотларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича доимий назорат ишлари олиб борилмоқда, — дейди вилоят Ички ишлар бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари Бобур Туляганов. — Жорий йилнинг 1 октябридан 16 декабрга қадар вилоят ҳудудида жами 3 минг 562 та рейд, тезкор-қидирув ва профилактик тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, аҳоли ўртасида 3 минг 412 та профилактик учрашувлар ташкил этилиб, оммавий ахборот воситаларида 110 марта чиқишлар қилинди.



Қузатувлар натижасида 106 та ҳолат аниқланиб, жами 208 минг 817 донга турли қўрилишдаги пиротехника воситалари мусодара қилинди. Аниқланган ҳолатлар бўйича 83 та маъмурий чора кўрилиб, 20 та иш судларга юборилди, 6 та ҳолат вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга тақдим этилди, 2 та ҳолат бўйича терговга қадар текширув олиб борилмоқда.

Шунингдек, ушбу воситаларни божхона постларидан яширинча олиб ўтмоқчи бўлган “шоввозлар” ҳам йўқ эмас. Қонунчиликка мувофиқ, пиротехника воситаларини божхонадан яширинча олиб ўтиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Тошкент вилояти божхона бошқармаси томонидан ўтказилган текширувларда бугунги кунгача 14 та ҳолат аниқланиб, 484 донга (36 млн. сўмлик) пиротехника воситалари мусодара қилинган.

Вилоят Божхона бошқармаси Ахборот хизмати берган маълумотларга кўра, божқарманинг Контрабандга қарши курашиш бўлими тезкор тузилмалари томонидан Давлат хавфсизлик хизмати Тошкент вилояти бошқармаси ҳамда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти вакиллари билан ҳамкорликда Бектемир туманида тезкор тадбир ўтказилган. Унда “Сирдарё — Тошкент” йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб келаёт-

ган енгил автотранспорт воситаси “Бектемир” ИПХ масканида тўхтатилиб, белгиланган тартибда кўздан кечирилганда қиймати 56,4 млн. сўмни ташкил этувчи 378 донга пиротехника воситалари борлиги аниқланди. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, бундай қонунбузарликларнинг олдини олишда жамоатчиликнинг ҳуқуқий он-гини ошириш, хавфсизликка нисбатан масъулиятни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, ҳар биримиз хўшёр бўлишимиз, ўзимиз ва яқинларимиз соғлиги ҳамда ҳаёти учун жавобгар эканимизни унутмаслигимиз лозим.

Зеро, йилнинг энг қувончли байрамини орзиқиб кутган болаларнинг шодликлари армончу ташвишга айланмасин.

Маълумот учун: қонунчиликка кўра, хавфлиликнинг 2-даражасига кирадиган маиший пиротехника буюмларининг жисмоний ва юридик шахслар томонидан яратилиши, шилаб чиқарилиши, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кирилиши, ташилиши, реализация қилиниши, сотиб олиниши, сақланиши ва фойдаланилиши тақиқланган. Хавфлиликнинг 3-4 даражасига кирадиган техник ва махсус мақсаддаги пиротехника буюмлари эса мушакбозлик ташкил этилиши кўрсатилган оммавий тадбирларни ўтказиш жараёнида тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан белгиланган миқдорда олиб кирилиб фойдаланишга рухсат берилган. Аммо улардан фойдаланишда белгиланган қоидаларга амал қилиш, хавфсизликка жиддий ёндашиш ва масъулиятни ҳис этиш талаб этилади.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

▼ Тақдимот

Ғаройиб асарнинг сирли муаллифи маълум: “Ялдо кечаси” тарихий романи тақдимоти бўлиб ўтди

Тадбир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи, Абдулла Қодирий уй-музеи ходимлари ҳамкорлигида ташкил этилиб, унга ёзувчи ва шоирлар, олимлар, маънавият тарғиботчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва блогерлар, адабиётга қизиқиши баланд талаба-ёшлар таклиф этилди.

Тақдимотнинг айнан “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи жойлашган ҳудудда ўтказилиши бежизга эмас. Бу макон ўтмишнинг сўнмас оғриқлари, миллат зеҳни ва виждонига муҳрланган фожиаларни ёдга солади. Ўтган асрнинг машҳур қатағон йилларида миллатимиз, халқимизнинг асл фарзандлари, маърифатпарвар жадид боболаримизнинг кўплаб намоёндалари ўша даврда “Ал-вастиқуриқ” деб ном олган мана шу жойда қатл қилинганлар. Шу боис тадбир аввалида қатағон қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтирилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Анжуманда сўзга чиққан ижодкор зиёлар, жамоатчилик вакиллари мамлакатимизда Президентимиз томонидан миллий тарихимизни тиклаш, илм-фан, таълим-тарбия, санъат ва адабиёт соҳаларига кўрсатилган юксак эътибор ва ғамхўрлик ўз ижобий самарасини бераётганини қайд этдилар.

Жумладан, “Ялдо кечаси” тарихий романи ана шу йўлдаги янги қадам бўлгани таъкидланди. Асар мустақиллик даврида миллий тарихга бўлган янги, журъатли ва ҳалол қарашнинг самараси сифатида баҳоланди.

Романга эпиграф қилиб олинган Мухаммад Шариф Гулханийнинг:

*“Бу нечук тунким, охи тонги йўқ,
Ё муаззинларининг бонги йўқ”,*

– деган сатрлари ҳам асарнинг ғоявий юкни аввалданок ўқувчи қалбига жойлайди. Бу ғаройиб роман машҳур “Ўткан кунлар” асарининг давоми сифатида ҳам ўқувчиларни қизиқтириши табиий.

Маълумки, жорий йилда Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи яратилганига 100 йил тўлди. Ёзувчи асари сўнгида Отабек авлодлари тақдирига ишора қилиб, гўё келажакда асарнинг давомини ёзиш учун адабий тўйнуқ қолдирган эди. Лекин, асарнинг давомини ёзиш Қодирийга nasib этмади.



Дарҳақиқат, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”ни ўқиган китобхон адоги йўқ изтироблар гирдобиди қолиши, қалби ҳаяжон ва қайғу-аламларга тўлиши тайин. Айни пайтда бу романининг ниҳояси ўқувчида асарнинг давоми бормикан, деган қизиқишни юзага келтириши, китобхонни охири йўқ ўй-хаёллар уммонига ғарқ этиши шубҳасиз.

– “Ялдо кечаси” романи “Ўткан кунлар” асарининг хотимасидаги қисқа тафсилот асосига қурилган, – дейди адабиётшунос Шухрат Ризаев. – Хотимада “Ёзғувчидан” деб айтилган кичкина ахборот тарзида бе-

рилган маълумотномага суяниб, бутун бир катта асар юзага келди. Бу китоб Отабекнинг зурриёди Ёдгорбек ҳамда унинг фарзандлари Озодбек ва Одилбекнинг тақдири мисолида ўша давр ҳаётини кенг қўламда тасвирлайдиган ўзбек адабиётида мулқо янги, оригинал асар.

Муаллифнинг кўп йиллик изланишлари, тарихий ҳужжатларга таянган бадиий тўқима-си натижасида дунёга келган “Ялдо кечаси” романи XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда ҳукм сурган мустабид тузум, маърифатпарвар зотларнинг фидокорона кураши, миллат тақдири учун тўланган оғир бадалларни ҳаққоний ва таъсирчан тарзда очиб беради.

Асарнинг масъул муҳаррири, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров романини замонавий ўзбек адабиётида том маънодаги кашфиёт деб баҳолаган бўлса, академик Шухрат Сирожиiddinov уни миллий насримизнинг кейинги юз йиллик ривожига алоҳида ўрин тутадиган, юксак бадиий савиядаги асар сифатида эътироф этди.



Тақдимотда сўз олган Нурбой Жаббор, Баҳодир Карим, Шухрат Ризаев, Хондамир Қодирий, Зебо Мирзаева, Олимжон Давлатов каби адиб ва мунаққидлар “Ялдо кечаси”ни ўқиш – фақат тарихни билиш эмас, балки ватандорлик, маънавий жасорат ва миллий ўзликни англаш мактаби эканини алоҳида қайд этдилар.

“Ялдо кечаси” романи “Хаубар-25” нашриёти томонидан лотин ва кирилл алифболарида нашр қилиниб, “Credo Print” босмахонасида чоп этилди.

“Ялдо кечаси”ни ўқиш – ўтмиш билан юзлашиш, бугунни англаш ва келажак олдида масъулиятни ҳис этиш демакдир.

Дарвоқе, нашр муқовасида одатга ҳилоф тарзда аниқ бир муаллифнинг исми-фамилияси кўрсатилмагани ижтимоий тармоқларда қизин ва давоми мунозараларга сабаб бўлганди.

Тақдимотда мана шу жумбоқ ҳам ечилди. Бу фавқуллоҳда ғаройиб роман муаллифи халқимизнинг ардоқли ёзувчиси, улкан сўз санъаткори Хайриiddин Султондир.

Ўткир ҲОШИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
/“Тошкент ҳақиқати”/
олган суратлар

АСАР МЕНГА ЖУДА МАЪҚУЛ

Хондамир ҚОДИРИЙ,
матншунос олим, Абдулла Қодирийнинг невараси:



– Абдулла Қодирий уй-музеи ташкил бўлганидан буён зиёратчилар оёғи узилмайди. Қизиқувчан китобхонлар бир саволни завқ билан, ишонч-ҳаяжон билан кўп беришади: “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”даги воқеалар ҳаётда бўлиб ўтганими?”

Уларга билганимча жавоб бераман. Улар бу воқеаларнинг бўлиб ўтганига

бутунлай ишонишади. Ишонмасликнинг иложи ҳам йўқ, аслида. Романларда тасвирланган муҳаббат савдолари кимнинг бошидан ўтмаган, дейсиз? Бундай тахт моҳарларини ким кўрмаган ёки эшитмаган?

“Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” китобларида ёзувчи “Отам бу ҳикояларни сўзлаганида...” деб ўқувчини роман воқеаларига янада боғлайди, ишонтиради. Китобхон Отабек ва Кумуш, Мирзо Анвар ва Раъно билан бирга яшайди. Айниқса, “Ўткан кунлар”нинг сўнгида берилган “Ёзғувчидан” деган яқунловчи изоҳ бу бўлиб ўтган воқеаларга ишончни юз баробар ошириб юборади. Ва шу ерда Ёдгорбек ва ўғилларининг бошидан нелар ўтган экан, деган ҳақли савол ҳам албатта, ўқувчининг хаёлидан бир ўтади.

Нелар ўтганини ушбу “Ялдо кечаси” китобининг қўлэмасини ўқиб билдим.

Такрор айтаман – китоб менга жуда-жуда маъқул. Бугунги авлоднинг барча қатламига маънавий, маърифий, маданий, ахлоқий ва сиёсий тарбия бера оладиган мақомда ёзилган. Табриқлайман.

Бундан 88 йил муқаддам, яъни, 1937 йилнинг 21 декабрида юртимизнинг юз-

лаб асл фарзандлари қатори Қодирий учун ҳам ялдо кечаси бошланмоқда эди. Яна ўн кундан сўнг – 31 декабрь, янги йил кечасида у кишини халқимиз бағридан адабий юлиб олиб кетадилар.

Аммо Яратган парвардигорнинг адолатли ҳукмини қарангки, 1991 йил 21 декабрда, яна бир ялдо кечасида СССР деган зулм салтанати бутунлай қулайди. Бу ҳақда Олмаотада бўлиб ўтган тарихий бир йиғилишда бутун дунёга эълон қилинади.

Абдулла Қодирий ва сафдошларининг асрий армонлари ушалиб, Ўзбекистон мустақиллигига эришди.

“Ўткан кунлар” романи ҳам, янги “Ялдо кечаси” асари ҳам бизни энг аввало, азиз Ватанимизни, унинг озодлиги ва мустақиллигини асрашга, миллий истиқлолнинг қадрига етишга чорлайди.

Зотан, кўхна тарих шундан сабоқ берадики, мустақиллик, озодлик ва эркинлик ҳимояси йўлида бир умр огоҳ, хушёр ва сезгир бўлишимиз керак.

Бу китобни ҳамма ўқиши керак!



Отабек ИСРОИЛОВ,
“Машъал” газетаси муҳаррири:

– Ҳазрати Қодирий “Ўткан кунлар”ни беш қайта ўқиши тавсия қилганди. Ул зоти ҳазратнинг набираси эса “Ялдо кечаси”ни ҳар ким ўқиши шартлигини айтаётир. Демак, тарғибот керак.

Ҳақроост, тақдимот анжуманида янги асар муаллифи Хайриiddин Султон тўғри айтди. Ҳозирги шароитда, айниқса, аксар ёшлар газета тугул, ижтимоий тармоқдаги хабарни охиригача ўқигани эринади. Қарийб ярим минг саҳифали китобни қандай ўқиш мумкин?

Камина ходимингиз ялдо кечасидан кейинги тонгда Тошкент вилояти Ивчи исшара бўлиб бошқарсида “Маърифатли ҳамият орузси” мавзусида бўлиб ўтган тадбирда иштирок этиб, машҳур педагог устозимиз Омонулла Мадаев услубини қўлладим. Салкам уч юзга яқин тингловчига янги асарнинг китобхонни ҳаяжонлантирувчи бобларидан айримларини сўзлаб бердим...

Маърифат соатидан сўнг баъзи ходимлар китобни қаердан топиш хусусида суриштирдилар. Минг қилса ҳам, уларнинг аксари терговчи-да...

Ҳатто айрим ходимлар Зайнабнинг тақдири ҳақида, янги романда Ҳасанали образи ёритилганими, Ёдгорбекнинг кейинги кечмишлари хусусида саволлар бердилар.

Алалхусус, халқимиз ҳамон китобхон. Фақат яхши асарларни китобхон халқимизга етказиб беришимиз керак, холос. Жумладан, “Ялдо кечаси” романини ҳам. Зотан, яхши китобларни ҳамма ўқиб-ўқиши керак!



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,
nashr uchun mas'ul:
Suhrobjon SADIROV

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchi:
To'xtamud HANABOYEV

Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 22.00.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-1235.

2 430 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.